## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг Ёшлар ахборот марказида Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари билан учрашув бўлиб ўтди.

● "Экосан" халқаро ташкилотида "Саноат ва маиший чиқиндилар ҳамда аҳоли саломатлиги" мавзуида халқаро анжуман ташкил этилди.

● Нукусдан старт олган Наврўз байрамига бағишланган умуммамлакат марафони иштирокчилари Хоразм вилоятининг Гурлан туманида кутиб олинди.

● Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида "Касб-ҳунар коллежларида "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини ўқитишда илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари" мавзусида минтақавий анжуман ўтказилди.

● Андижон вилоят марказида Андижон тиллар институти академик лицейининг қад ростлаган янги биноси ўқувчилар учун Наврўз туҳфаси бўлди.

● Фарғона вилоятининг Ўзбекистон тумани ҳудудидаги Яккатут қишлоғида янги спорт мажмуаси бунёд этилди.

● Қашқадарё вилоятидаги 5 та мактабда капитал таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

● Бухоро вилояти, Когон туманининг Янгиҳаёт қишлоғи ва Зиробод маҳалласи аҳолиси Япониянинг махсус лойиҳаси асосида амалга оширилган янги замонавий телефон тармоғи хизматидан фойдаланадиган бўлди.

### Жаҳонда

● Боливия конгресси мамлакат президенти Карлос Месанинг муддатидан олдин президентлик сайловларини ўтказиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватламади.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси одамни клонлаштиришни тақиқлаш тўғрисида декларация қабул қилди.

● ОПЕКнинг Эронда ўтказилган 135-конференциясида нефт экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти аъзолари жаҳон бозорида нефт қазиб олиш квоталари масаласи бўйича битта тўхтамга келишди — 1 апрелдан бошлаб нефт қазиш квотасини кунига 500 минг баррелда ошириш режаси тасдиқланди.

● Исроил 10 минг йиллик тарихга эга жаҳондаги энг қадимий шаҳар ҳисобланмиш Иерихон назоратини фаластинликлар қўлига топшириш режасини босқичма-босқич амалга оширишга киришди.



# Тошкентим — боғу бўстоним

## НАВРЎЗОЛДИ ҲАШАРИ:

# УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

### УМУМХАЛҚ ҲАШАРИДА ИШТИРОК ЭТГАН БАРЧАМИЗ ЯНАДА ФАОЛ, ҲАМЖИҲАТ ВА САХОВАТЛИРОҚ БЎЛГАНИМИЗНИ ҲИС ЭТДИК

КЕЧА бутун мамлакатимизда анъанавий байрамолди умумлхалқ ҳашари бўлиб ўтди. Унда 10 миллиондан зиёд аҳоли иштирок этди. Ҳашар давомида 26 минг гектар ҳудуд ободонлаштирилди, 14,3 минг километр ирригация тармоқлари тозаланди, 23 миллион туп дарахт ва гуллар экилди.

Мамлакатимиз янада обод ва кўкаламзор бўлишига пойтахтимиз ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди.

Жойларда бўлиб ўтган қизғин ҳашарлар ҳақида жамоатчи мухбирларимиз қуйидаги хабарларни беришди.

Шаҳримиз бўйича ҳашар биринчи бўлиб Акмал Икромов туманида бошланди, десак адашмаймиз. Эрта билан соат 7.00 дан бошлаб тумандаги 50 та маҳалла фаоллари Акмал Икромов номидаги истироҳат боғига йиғилиб, ушбу сўлим гўшани байрам тадбирларига вақтида шай қилиш мақсадида ободончилик ишларида фаол қатнашдилар. Маълум бўлишича, Наврўз куни айнан шу боғдан халқ сайиллари бошланади.

Ҳашар иштирокчилари кучи билан боғ ҳудуди тўлиқ тозаланиб, дарахтларга шакл берилди ва оқланди. 100 га яқин янги кўчатлар ўтқазилди. Боғнинг олди томонида бир неча кичик хиёбонлар барпо этилди. Болаларга байрамона кайфият улашиш мақсадида туман маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан мавжуд 12 та ўйингоҳлар созланиб, изчил ишлаши таъминланди.

109-мактаб ўқувчилари ўқиш бошланишига қадар — соат 8.30 да ўқитувчиларига мактаб ҳудуди ҳамда синф хоналари тозалангани ҳақида маълумот бердилар.

— Биз учун бу кутилмаган ҳолат бўлди: ҳашарга эндигина тайёрланаётган бир пайтда ўқувчиларимиз белгиланган жойларда ишларини якунлаётган экан, — дейди мактаб директори Санобар Шарипова. — Болалар бундай тадбирларга ўрганиб қолган ва ҳар доим фаол қатнашиб келган, лекин шу даражада ҳамжиҳатлик ва тезкор ишни бажариш ҳолатлари, очиғини айтишимиз керак, биринчи маротаба кузатилди. Қойилмиз — яна нима дейишимиз мумкин. Истардимки, ёшларимиз бизни яхши ўқиш, ҳулқи-одоби билан кўпроқ мана шундай хайратга солишса ва қувонтиришса....

Бектемирликлар ҳам ҳашар куни эътиборга лойиқ ишларни амалга оширишди. Марказий кўчалар ва маҳаллалар кўркам ва озода бўлгани бунинг яққол исботидир. Кўпчилик қаторида "Бинокор" маҳалласи ва "Нисса" уй-жой мулкдорлари ширкати энг фаол деб топилди.

— Бунинг учун биз авваламбор ҳомийларимиз — "Иргидромаш", "Сувмаш", "Агрокерамика", "Флон" корхоналаридан миннатдормиз, — дейди "Бинокор" маҳалласи хотин-қизлар комиссияси раиси Зулайҳо Масимова. — Уларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли 18 та кўпқаватли уйларнинг ташқарисида жорий таъмирлаш, йўлакларни бўяш, том қисмини янгилаш, ҳар бир уй олдида 5 тупдан дарахтлар экишга эришдик.

Ҳашар куни кўпчилик корхона ва ташкилотлар ўз иш жойларида меҳнат қилишди. Шунга қарамасдан "Норуда" акциядорлик жамияти раиси Рауфхон Шарипов бироз вақт ажратиб, кам таъминланган оилаларга совға-салом улашишга ҳам улгурди. Ушбу акциядорлик жамияти томонидан ҳашар куни тумандаги 18 та оилаларга хатна тўйини ўтказишга бевосита ёрдам кўрсатилди.

Анъанага кўра пойтахт ҳокимлиги ходимлари бу сафарги ҳашарни ҳам Миробод туманидаги Керамика боғида ўтказишди.

— Бундай кенг қамровли тадбирларда мен кўп марта иштирок этганман, — дейди шаҳар ҳокимлиги вакили Умид Носиров. — Ҳашарлар, ободонлаштириш ойликлари туфайли шаҳримиз ташқи кўриниши кундан-кунга чирой очиб бормоқда, шу билан бирга бундай тадбирлар кишиларни яна жипслаштириб ҳамжиҳат қилаётир. Демак, биз ободонлаштириш ишларида қанчалик фаол қатнашсак, ўз умумий уйимиз тартибли ва озода бўлишига шунчалик кўп маъсулиятли эканлигимизни ҳис этамиз. Агарда мана шу кичкина боғни оладиган бўлсак, илгарилари бу жой кўримсизлиги туфайли одамлар уни узоқдан четлаб ўтарди. Уч йил илгари, бу ердан катта ҳажимдаги турли чиқиндиларни олиб кетишга тўғри келганлиги боис кўплаб автомеханизмларни жалб этилганди. Бу сафар эса бу ерни фақатгина бироз тартибга солдик, холос. Истардимки, ушбу боғ ўз номига тўлиқ жавоб берса ва одамлар бу ерга ҳунармандларнинг гўзал кичик меъморчилик асарларини



синдиришга эмас, балки дам олишга келишса...

Тошкент Давлат техника университети Наврўзга қандай совға тайёрлаётгани ҳақида илгари ҳам маълум қилгандик. Ҳашар куни Талабалар шаҳарчаси (Собир Раҳимов тумани)да янги барпо этилаётган боғда сўнгги ишлар амалга оширилди. Бир пайтлар қаровсиз бўлиб ётган 15 гектардан зиёд ҳудуд ободонлаштирилиб, ёшлар кучи билан бу ерга 4 мингдан зиёд гул кўчатлари, 400га яқин арча дарахтлари экилди. Ушбу тадбирга эса ТДТУ "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилоти ҳамда "Талабалар уйи" дирекцияси бошчилик қилди. Ўз тенгдошларига намуна бўлиш ниятида техника унивеситети талабалари Наврўз айёмини Ўзбекистон Миллий университети ва 2 Тошкент давлат тиббиёт институти ёшлари билан ушбу боғда ўтказишни режалаштирмокда.

37 миллион сўмдан кўпроқ маблағ Наврўзолди ҳашарида иштирок этган Ҳамза тумани меҳнат жамоаларидан тушиши кўзланмокда.

— Ушбу маблағлар тумандаги 50 та маҳалла бўйича тақсимланиб , уларнинг ижтимоий инфратузилмаларини ривожлантириш ҳамда муҳтожларни қўллаб-қувватлашга сарфланади, — дейди "Маҳалла" жамғармаси туман бўлими раиси ўринбосари Гавҳар Алимова. — Ҳашарда 55 мингдан зиёд аҳоли иштирок этган бўлса, улар кучи билан 85 гектар ҳудуд ободонлаштирилиб, 22,5 минг квадрат метр ирригация тармоқлари тозаланди. Бундан ташқари, ёлғиз ва ногиронларга жойида 470 минг сўмлик моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, умумхалқ тадбирида "Тошёғ-мойкомбинати", "Ўзбекистон шампани", "Тошвино" акциядорлик жамиятлари жамоалари, 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти талабалари, 5 та касб-ҳунар коллежи ва 30 та мактаб ўқувчилари фаол қатнашди.

Кўп қаватли уйлар ҳудудларини тозалаш ва кўкаламзорлаштириш ишларида Чилонзор туманининг 45 та маҳалла фаоллари қаторида 116 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари ишчилари ҳам иштирок этди. "Маҳалла" жамғармаси туман бўлими маълумотига кўра, ҳашарга 58 минг аҳоли, шу атрофда жойлашган корхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчилари жалб этилди. Улар ёрдамида 138,5 гектар ҳудуд ободонлаштирилди, 8 мингдан ошиқ туп дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди. Муҳтожларга 3,2 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Юнусободликлар ҳам ҳашарга ўзига хос ҳисса қўшишди. Ҳусусан, "Оқтепа" маҳалласи аҳолиси ўз уй-жойлари атрофини анча олдин саранжом-саришта қилишга киришиб, 19 март куни маҳалла марказига — Наврўз куни фойдаланишга топшириладиган янги гузарда сўнгги ободонлаштириш ишларида қатнашиш учун чиқишди.

— Бундан ташқари, "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастури доирасида 5-оилавий поликлиникага қарашли тиббиёт шохобчасини очишни режалаштирмоқдамиз, — деди маҳалла оқсоқоли Эркин Турсунов. — Ҳашар куни эса биз 35 та кам таъминлан оилаларга ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилдик. 5 мингдан зиёд каттаю кичик маҳалла аҳли 1000га яқин туп мевали ва манзарали дарахтлар экиш ишларида қатнашди. Наврўз айёмини уч босқичда ўтказишни кўзда тутмоқдамиз. Дастлаб янги гузарда байрам тантаналарини ўтказиб, кам таъминланган оилаларга совға-саломлар улашамиз. Сўнг 6 та жамоа ўртасида футбол мусобақалари бўлиб ўтади.

— Туманимизда 3,5 миллион сўмга тенг муҳтожларга ёрдам кўрсатилди, — деди Яккасарой тумани ҳокими ёрдамчиси Даврон Норматов. — 119 гектар ҳудуднинг ободонлаштирилишида 22 минг яккасаройликлар иштирок этди. Ҳашар куни 6 минг та мевали, 22,2 минг та манзарали, 8,2 минг та гул кўчатлари экилди. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти ҳамда Тошкент Давлат педагогика университети ўқитувчи ва талабалари катта жонбозлик кўрсатишди. Ўз ўқув юртларида ободонлаштириш ишларини якунлагандан сўнг, улар маҳаллалардаги кўп қаватли уйлар ҳудудларини тозалашда фаол иштирок этди....

Умумхалқ ҳашарини ўтказиш бўйича шаҳар штаби раҳбари — Тошкент шаҳар "Маҳалла" жамғармаси раиси Рихситилла Акромов берган дастлабки маълумотларга қараганда, 19 март куни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитар тозалаш тадбирларида 700 мингдан зиёд аҳоли иштирок этган. Ҳашар давомида 400 гектар ҳудуд тартибга келтирилиб, 650 километр ариқлар тозаланди. Пойтахтнинг яшил камари ҳажми 70 минг туп манзарали, 10 минг туп мевали дарахтлар, 100 минг та гул кўчатлари ҳисобига кенгайди. 250 та кўп қаватли уйларнинг йўлаклари ва ташқи томонида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Муҳтожларга 10 миллион сўмлик молиявий ва моддий ёрдам кўрсатилди. Шу билан бирга 613,8 миллион сўмдан зиёд меҳнат жамоаларининг бир кунлик иш ҳақлари ҳисобидаги маблағ пойтахтдаги 452 та маҳалланинг ривожланишига сарфланиши кўзда тутилмоқда.

— Аммо бу пойтахтимизда ободонлаштириш ишларига якун ясалди дегани эмас, —таъкидлаб ўтди Рихситилла Акромов. —Умумхалқ ҳашарини ўтказишдан мақсад — одамларни ягона ва умумий ишга бирлаштириш орқали шаҳримиз янада чирой очиб, кўркам ва обод бўлишига ҳис қўшишдир. Ва бундай ишларни биз ҳар доим ва ҳар соат давом эттиришимиз лозим. Меҳнат инсонларни олижанобликка ундайди. Биз янада саховатпеша бўламиз, қолаверса, ички дунёимиз ҳам янада гўзаллашади. Бунинг бари — бизнинг халқимиз қадриятидир.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

**СУРАТЛАРДА: жойларда бўлиб ўтган умумхалқ ҳашаридан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Акмал Икромов туманидаги «Оқтепа» маҳалласида Наврўз айёми муносабати билан уюштирилган тадбирда маҳалла фаоллари, кам таъминланган оилалар аъзолари иштирок этишди.

● **БУГУН** шаҳримиздаги «Гулзор» ресторанида Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ташаббуси билан янгиланиш, яшариш байрамига бағишлаб маҳаллалар фаоллари учун концерт уюштирилди.

● **ЙЎЛДОШ** Охунбобоев номидаги Республика тиббиёт коллежида КЕЧА бўлиб ўтган Наврўз айёми тадбирида баҳорий таомлар — кўк сомса, кўк чучвара, сумалак тарихи ҳақида сўз борди.

● **КЕЧА** Юнусобод туманидаги Фирдавсий маҳалласида туман ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Сумалак сайли» деб номланди. Унда кам таъминланган оилаларнинг 34 нафар аъзоларига эсдалик совғалари берилди.

● **КЕЧА** Шароф Рашидов номли маҳаллада маҳалла аҳли иштирокида Наврўз айёмига бағишлаб ўтказилган тадбир Миробод туман ҳокимлиги томонидан уюштирилди.

● **КЕЧА** Йўлдош Охунбобоев номли кўзи ожизлар мактаб-интернатида Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси томонидан хайрия концерти уюштирилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Қадрли юртдошлар!*
*Анъаналаримиз акс этган*
*қадимий ва ҳамиша навқирон,*
*файзли ва шукуҳли Наврўз байрами*
*билан самимий қутлаймиз.*
*Хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик,*
*оилавий бахт ёр бўлсин.*
*Бошингиз омон, ишларингиз*
*бароридан келсин, азизлар!*






# ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ

## Тошкент шаҳар бошқармаси


Азиз ҳамшаҳарлар!
Сизларни кириб келаётган
яшариш ва янгиланиш
айёми Наврўзи олам
билан самимий қутлаймиз.
Дастурхонимиз тўкин,
серқуёш ўлкамиз осмони
тиниқ, кунларимиз
осойишта ва
фаровон бўлсин.
UZBEKTELECOM
TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I FILIALI

METRO

Марказий Осиёда ягона
**ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ** жамоаси
барча ҳамшаҳарларимизни гўзал, фусункор,
яшариш ва янгиланиш айёми
Наврўзи олам билан чин юракдан қутлайди.
Ҳар бир хонадонга бахт-саодат,
тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.
Доимо соғ-омон бўлинг, қалбингизни хуш кайфият
ҳеч қачон тарк этмасин!







**«Тошкент метрополитени»**
**давлат унитар корхонаси**

*Мунажжим башорати*

## ИСТИҚБОЛЛИ ТАКЛИФЛАР КУНИ

**21 МАРТ, ДУШАНБА**

**Бугун Қўй буржида Қуёш илк бор балқиши билан янги астрологик йил бошланади. Фазо янги ҳаёт сари уйғониш, янги ишга киришиш, илмий, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва ижодий лойиҳаларни амалга ошира бошлаш учун ноёб имкониятларни яратади.**

Ой сайёрасининг Арслоннинг оловли буржида жойлашиши эса, ижодий ниятларингизнинг тезроқ рўёбга чиқиши, бошлаган ташаббусларингиз ёрқинлиги кашф бўлишига ёрдам беради.

Мунажжимлар бугунги кунни воқеаларнинг кутилмаган йўналишлар олиши, келажак билан учрашувлар, истиқболли таклифлар куни дейишади. Яна бу - раҳм-шафқат, меҳр-мурувват, саховат ва сабр-қаноат куни ҳамдир. Бирбирига совға-саломлар бериш, ярашиш ва ўзаро муносабатларни тиклаш учун ҳам бу кун айни муддаодир. Бугун жанжал кўтариш, жаҳлга эрк бериш, бировларга ёмонлик тилаш мумкин эмас - бу билан сиз фақат ўзингизга зарар келтирасиз. Кечқурун меҳмондорчилик уюштириб, кўнглингизга яқин кишилар билан ҳордиқ чиқаришингиз фойдали бўлади.

Уйингизга бугун бирор қушнинг учиб кириши - яхшиликка, бу бойлик ва шоду хуррамлик аломати. Сизни ҳайратга соладиган ҳар қандай тасодиф, янгилик ҳам яхшиликка ишора. Қуёш чарақлаб туриши ҳам эзгулик белгиси бўлади. Ойна ёки шиша идишни, калитни синдириб қўйишингиз нохушликдан дарак берса, ерни ковлаб уймаланиш, тешик ҳамён ташвишини қилиш ҳам яхшиликка бўлмайди. Яхшиси, ҳазил-мутойиба қилиш, ўйин-кулгига аралашиш, ҳамма нарсага ўткинчи деб қараб, кайфиятни бузмаганингиз маъқул.

Кўрадиган тушларингизга эътибор қилинг — улар башоратли бўлиши, бирон-бир муҳим воқеадан хабардор қилиши мумкин.

Юрагингизни эҳтиёт қилинг. Бугун уни зўриқтириш мумкин эмас. Умуртқа поғонаси, орқа оғриғи безовта қилиши мумкин.

Ёрқин, савлатдор либослар, айниқса уларнинг зарғалдоқ ранг, олтинранглари омадли бўлади. Қорамтир, кўк, кулранг кийимларни орқага суриб қўйинг.

**НАВРЎЗ КУНИДА:**

— яқин кишиларингиз ва атроф олам билан уйғунликка эришишга уриниб кўринг;

— ўз манфаатларингиз ҳақида ҳам меъёрдан чиқмаган ҳолда қайғуринг;

— кун воқеаларини диққат билан кузатинг - уларда сиз келажак аломатларини пайқашингиз мумкин;

— муаммоларингиз сиз ўйлаганча енгил ҳал бўлмаётганига хотиржам муносабатда бўлинг.

Бугун жиддий ҳаракатлар қилиш, ҳамкасбларингиз, қўшнилар, қариндошлар мададига умид боғлаш, қаттиқ ҳориб-чарчаш мумкин эмас.

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР** **ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

## ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Сиз хизматда, сафарда, меҳмонда, дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларида, кино ва театрда, кундалик ташвишлар билан бозор ва транспортларда юрган пайтингизда хонадонингиз ва мулкингизни жиноий тажовузлардан ким ҳимоя қилади?

Бундай хизматни шаҳримиздаги Марказлаштирилган қўриқлаш пультлари бажаради. Ушбу пультлар бу борадаги энг ишончли ва иқтисодий жиҳатдан энг арзон қўриқчидир!

Хонадонингиз ва мулкингиз дахлсизлигини истайсизми?

Марҳамат қилиб, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси ва туман қўриқлаш бўлимларига мурожаат қилинг!

**Мурожаат учун телефонлар:**
**133-37-83, 134-01-69, 133-01-44**

**1-РЕСПУБЛИКА ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИДА 23 МАРТ, 19 АПРЕЛДА "ОЧИҚ ЭШИКЛАР" КУНИ БЎЛИБ ЎТАДИ.**

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани "Е" мавзеси, Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси.Метронинг "Ҳамза" бекати

Тел: 77-85-94

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»**
**республика бирлашмаси**

*Тошканбой Эгамбердиев номидаги*
*Тошкент Давлат цирки*

**2005 йил 18 мартдан**

**Диққат! Диққат!**

КУТИЛМАГАН ВОҚЕА

Тошкент Давлат циркида

ПАРИЖ-ТОШКЕНТ — ИСПАНИЯ

транзит йўли асосида жаҳонда ягона

РЕВЮ МУЗ ШОУСИНИ

18 мартдан бошлаб томоша қилишга шошилинг

Цирк кассаларида ҳозирча чипталар бор.

Жума, шанба, якшанбада

Биз Сизларни ўз Шоумизда кутамиз

Келганингиздан афсусланмайсиз!!!

Томошаларга жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.

Касса эрталабки соат 9.00 дан очиқ.

**Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**

**Азиз ҳамшаҳарларимиз, пойтахтимиз меҳнаткашлари!**
**Сизларни ўлкамизга қутлуғ одимлар ила кириб келаётган қут-барака, баҳор ва янгиланиш байрами Наврўзи олам билан самимий муборакбод этамиз!**
**Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги шарафли ишларингизда доимо омад ёр бўлсин!**

**Тошкент шаҳар Касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси**



**Умумхалқ байрамлари арафасида янги гузарлар, спорт майдончалари, ўқув муассасаларининг фаолият бошлаши хайрли анъанага айланган. Яшариш ва янгиланиш, оқибат ва покизалик рамзи ҳисобланмиш Наврўз байрами арафасида ҳам шаҳримизда мана шундай қувончли воқеаларнинг шоҳиди бўлмоқдамиз.**

*Байрамга туҳфа*

## МАҲАЛЛА ГУЗАРИ ОЧИЛДИ

Қизғин давом этаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ва ҳашарлар давомида айниқса маҳаллаларимиз чиройига янада чирой қўшилмоқда, аҳоли дилига қувонч бахш этиб янги гузарлар очилмоқда. Жумладан, Юнусобод туманидаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳолини ўзида бирлаштирган «Боғишамол» маҳалласида ҳам барча қулайликларга эга шинам ва обод маҳалла гузари фойдаланишга топширилди.

Миллий одатимизга кўра гузарнинг очилиш маросимига келувчиларни лобар қизлар келин салом билан кутиб олишди. Қизиқарли байрам концерти, ёш спортчиларнинг чиқишлари тадбирга ўзгача файз бағишлади. Қувонарли томони шундаки, гузар атрофидаги майдонга яхши ниятлар билан минг тупга яқин мевали дарахтлар ва терак кўчатлари ўтқазилди.

— Эндиликда турли-туман тадбирларни ўтказиш, ҳар хил масалалар юзасидан аҳолини қабул қилиш, шунингдек кундалик муаммоларни ечиш юзасидан ҳеч қандай муаммолар бўлмайди, — дейди «Боғишамол» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Хушрўй Аҳматова. — Бунинг учун биздан ёрдамини аямаган ҳомийлар ҳамда ҳашарларда фаол қатнашган маҳалладошларга миннатдорчилик билдираман.

Ўйлаймизки, яшариш ва янгиланиш айёмида юқоридаги каби қувончли воқеаларнинг кўплаб гувоҳи бўламиз.








**Даврон ИСМАТОВ**

**СУРАТЛАРДА: «Боғишамол» маҳалласи гузарининг очилишидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Тадбирлар*

## ҚАЙНАР СУМАЛАК

**Наврўз туркий халқларнинг азалий байрамларидан бири ҳисобланади. Шу боис Мустақиллик йилларида бу мумтоз қадриятнинг мазмун-моҳиятини англаб етиш, унинг халқимиз тарихидаги маънавий ўрни беқиёс эканлигини тарғиб этиш борасида эзгу қадамлар қўйилди. Наврўз том маънода мафкуравий тўсиқлардан холи бўлди.**



Куни кеча Бектемир туманидаги марказий кутубхона ташаббуси билан бўлиб ўтган байрам тадбири «Қайнар сумалак» деб номланди. Ва унда Наврўз халқ оғзаки ижодида ҳам завол билмас мавзулардан бири сифатида тараннум этиб келинганлиги таъкидланди.

— Байрам нафасини туйган ҳар бир киши Наврўзнинг қанчалар муқаддас айём эканлигини англаб етиши қийин эмас, — деди тадбирни кириш сўзи билан очган Бектемир туман марказлашган кутубхоналар директори Мавлуда Ашурбоева. — Шу боис, биз уни қанча улуғласак, қадрият сифатида ўргансак шунчалик миллий эътиқодимизга содиқ қолган бўламиз.

Учрашувда туман мактаблари, ўрта-махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган китобсевар ёшлар иштирок этишди.

Айниқса, элшунос тадқиқотчи Тожиниса Имомсаидованинг сумалак, Наврўз ҳақидаги ривоятларда халқчил ғоялар ётишига бағишланган маърузаси йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирнинг якунловчи бадиий қисмида туман маданият уйининг ашула ва рақс дастаси томонидан миллий куй-қўшиқлар ижро этилди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди. 5009 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-208.